**Фаргона вилояти жиноят ишлари буйича судлов хайатига**
**Фаргона вилоят Кукон шахар «Адолат» алвокатлик фирмаси адвокати Б.Исмоилов ва Охунбобоев туман Гиштмон КФЙ Хужалар махалласида яшовчи Р.Эргашевдан**

# АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

*(жиноят ишлар буйича Кува туман судининг хукми юзасидан)*

Хурматли судлов хайатининг аъзолари биз куйидаги холатларга асосан жиноят ишлари буйича Кува тумани судининг хукмига мутлако норозимиз. Сабаби ассосиз ва адолатсиз хукм чикарилди. Шунинг учун сизлардан адолат сураб ушбуни ёзмокдамиз. Р.Эргашев Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексини бир неча моддалари билан дастлабки тергов органлари томонидан айбланиб, асоссиз тергов хибсхонасида 19 ой утириб азоб чекди. Бунга сабаб тухматчи бир аёл Тожибоева Муътабар деб биламиз. Нима учун одам ёзувчи булса шуни гапига кириб иш килинаверади.

Риштон жиноят ишлар буйича суди Узбекистон Республикаси президентининг Амнистия тугрисидаги фармонларига асосан Эргашев Рахимни 1998 йилдан буён огир бетоб, яъни сил касаллиги билан огриганлиги инобатга олиб жиноят ишини харакатдан тухтатиб жуда тугри килган. Бу хакда жиноят иш материалларида барча етарли хужжатлар мавжуд.

Бу хакда биз Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукукларини химоя килиш кенгаши ва БМТ га хам ариза сифатида мурожаат этдик.

Нима учун Р.Эргашев судланувчи хисобланиб жабрланувчи булмиш М.Тожибоева фойдасига 3687100 сум тулаши шарт? Кани бу ерда мантик?

Ахир М.Тожибоева узини 32 бош куйлари ва 7 бош корамолини олиб чикиб кетсада, бу тугрида иш материалларида мавжуд барча гувоклар курсатмаси бор. Олиб келинган мол ва куиларга ем-хашак ва озукаларга кетган харажатлар умуман курсатилмаган. М.Тожибоева нима деса уни гапини суд «гап» деб билиб галати хукм чикарди. Умуман Р.Эргашевнинг М.Тожибоевадан карзи йукдир.

Бундан ташкари нима учун 1478545 сум давлат фойдасига Р.Эргашевдан ундирилиши шарт. Нахотки кишлок хужалик махсулотларидан, яъни (10 тонна картошка хакида гап кетяпти) солик ундирилмаслигини Кува туман жиноят ишлар буйича судини судьяси Р.Арапов билмаса керак. Майли 5 тонна олиб келинган сарёгдан олган фойдамдан даромад солиги тулайман. Юкоридагиларни ва жиноят иши материалларни одилона, холисона урганиб чикиб сизлардан шуни

**С У Р А Й М И З:**

1.Р.Эргашевни 1998 йилдан буён сил кассалиги билан огриб, хисобда турганлигига эътибор беришингизни ва жиноят ишлари буйича Кува тумани суди хукмини бекор килиб, Узбекистон Республикаси президенти Амнистия хакида фармонларига асосан жиноят ишини харакатдан тухтатишингизни.

2.М.Тожибоева фойдасига ундирилиши лозим булган суммани асоссиз деб билишларингизни хамда ушбу ишни хал этиш учун Фукаролик судига мурожаат этилишини М.Тожибоевага тушунтирилишини.

Хурматли судлов хайъатлари, сизлардан илтимос. Ушбу жиноят иши бир неча йилдан буён уз ечимини топмаяпти, шу сабабли одилона бир карорга келишларингизни талаб киламиз.

**Адвокат:** **Б.Исмоилов**

**Судланувчи:** **Р.Эргашев**

**11.10.2003 йил**